

## Ғарибий ва Чархий

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти адабиёти миллий уйғониш ва маърифатпарварлик ғояларининг устиворлиги, халқчиллик характери, ижтимоий мотивларининг ғавқулодда ранг-баранглиги билан адабиётимиз тарихининг алоҳида босқичи сифатида аҳамият касб этади. Шу билан бирга бу давр адабиёти вакиллари ўлмас ғояларни тараннум этган мумтоз шеърятнинг, унинг бир неча асрлик анъаналарининг давомчилари бўлиб ҳам майдонга чиқдилар. XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек адабиётида шаклланган бу икки йўналиш унинг муҳим хусусиятини – янгилик ва анъаналар уйғунлигини белгилаб берди. Адабиётимиз тарихининг мазкур босқичига хос серкирралилик ва кенгқамровлиликни ўзбек адабий ҳаракатчилигида муҳим ўринлардан бирини эгаллаб келган Қўқон адабий муҳити мисолида ҳам кўриш мумкин. Қатор истеъдодли сўз санъаткорларини камол топтирган ушбу муҳит маскани XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида яна Амир Умархон (1787-1822) давридаги адабий мақомини тиклади: кўплаб шоирлар уюшган ҳолда фаолият кўрсатган ижодий марказ вазифасини бажаришда давом этди. Давр адабий ҳаётининг ранг-баранглиги бу вақтда ижод сахнасига чиққан қалам соҳиблари фаолиятида акс этди. Бу пайтда Муқимий, Мухйи, Фурқат, Нисбатий, Завкий, Ғурбат, Ёрий, Нусрат, Писандий, Таҳайюр, Зорий, Қорий, Рожий, Мухаййир, Наййирий, Мирзои Хўқандий, Маҳмуд Ҳаким Яйфоний каби ва бошқа ўнлаб шоирлар етишиб чиқдилар. Мулло Умрзоқ Абдували ўғли Ғарибий (1877-1961) ҳам шу даврдаги Қўқон адабий муҳитининг бевосита таъсири остида шаклланган соҳибидевон шоирлардандир.

Ғарибий Марғилоннинг Ёрмозорида таваллуд топган, у машҳур мутасаввиф шоир Ҳувайдо авлодидан бўлиб, 50-йиллар ўрталарида табаррук аجدодлари юрти - Чимёнга кўчиб борган ва у ерда умри охиригача яшаган. 1911 йилда тартиб берган девонини “Ғарибий” таахаллусли шеърларидан тузган, 1917 йилдан “Мухбир”, 1926 йилдан эса “Шухрат” тахаллуслари билан қалам тебратган, икки сиёсий тузум алмашувига гувоҳ бўлиб, узок ижодий йўлни босиб ўтган.

Ғарибий Октябрь ўзгаришидан кейин ҳам анъанавий ижод йўлини сақлаб қолган. У ўзининг ахлоқий-ирфоний, фалсафий-ижтимоий қарашларида собит тургани учун шўролар даврида номаълумликка маҳкум этилган. Шоирнинг номи ва ижоди истиқлол туфайли қайта кашф этилди.

Профессор А.Абдуғафуров XIX аср иккинчи ярмидаги адабий ҳаётнинг асосий хусусиятларини текширар экан, «Бир хил ёки бир-бирига яқин ғоявий-эстетик позициядаги ижодкорларнинг ўзаро ижодий ва дўстона ҳамкорлиги кучайди» деб таъкидлайди ва бунинг исботи сифатида 80-йилларда Қўқонда мунтазам ҳаракат этувчи адабий анжуман ташкил топганини ҳамда Муқимий, Мухйи, Фурқат, Нисбат, Завкий каби шоирлар

унинг фаол иштирокчилари бўлганликларини айтади<sup>1</sup>. XX аср биринчи ярмида ҳам қатор кўқонлик сўз санъаткорлари устоз шоирлар асос солган бу анъананинг ворислари сифатида фаолият кўрсатдилар. Инкилобдан кейинги давр Кўқон адабий ҳаракатчилигида Фироқий, Чархий, Насимий, Шукрий каби ижодкорларнинг ўзига хос ўрни бор. Ижодий тамойиллари муштарак жиҳатларга эга бу шоирларни мустақкам дўстлик ришталари ҳам бирлаштириб турган. Ушбу шоирлар даврасидан Ғарибий ҳам муносиб ўрин эгаллаган. Ғарибий Ёрмозорда эканида уларнинг ўртасида вужудга келган самимий алоқалар шоир Чимёнга кўчиб кетгандан кейин ҳам давом этди. У тез-тез Кўқонга дўстлари зиёратига келиб туради. Шоирнинг Чархий, Шукрий, Фироқий, Шайдога йўллаган шеърий мактублари сақланиб қолган бўлиб, уларни ўзбек адабиётидаги мактубот жанрининг XX асрда яратилган яхши намуналаридан деб аташ мумкин. Мазкур шеърий номалар орасида таниқли сўз санъаткори Чархийга йўлланганлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари номзоди Аҳмаджон Мадаминовнинг эсдаликларига қараганда, шоир Чархий ўз суҳбатларидан бирида Ғарибийнинг ўзи учун устоз мақомидаги ижодкор бўлганини ва Ҳувайдо авлодидан эканлигини айтиб ўтган.

Ғарибий томонидан Чархий номига йўлланган учта манзум мактуб сақланиб қолган. Улардан бирига «Тоғуш-шуаро Чархий афандига Шухратийнинг юборган мактуби» деб сарлавҳа қўйилган. Мазкур шеърий номалар ҳар иккала шоир ўрталарида яқин ижодий ва дўстона алоқа мавжуд бўлганини далиллайди:

Олиб кўнгулга бир йўли хоксоринг,  
Юборибсан ёзиб асрор, Чархий.  
Келиб тегди қўлумга ёдноманг,  
Дамодам айларам такрор, Чархий.  
Ўқуб мафхумидин огоҳ бўлдум,  
Каломингдур дури шахвор, Чархий.

Чархий ижоди ҳамиша Ғарибийнинг эътиборида бўлиб келган. У Чархийни таъби баланд фасиҳкалом шоирлардан деб билган:

Хўқанд шоирларининг афсаҳисан,  
Далил – мўъжизбаён гуфтор, Чархий.  
Асарларким деюрсан нуктапаймо,  
Жаҳон аҳлига файзосор, Чархий.

Чархийга юборган бошқа бир мактубида Ғарибий Чархийга доимо шеърият осмонида чарх уриб юриш истагини билдирар экан, замона зарбаларининг унга дахлсиз бўлишини тилайди:

Муҳаббат бодасидин айлабон нўш,  
Ҳамиша чархинг ур мастона, Чархий  
Амон бўлғил замонанг офатидин

---

<sup>1</sup>Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 5-том. –Тошкент: Фан, 1980. –Б. 13.

Ки, бўлмай ғам билан ҳамхона, Чархий.<sup>2</sup>

Ғарибийнинг шахсий ҳаётидан хабардор бўлган киши ижодкор дўстга билдирилган бу тилак ортида унинг аччиқ турмуш тажрибалари ётганини илғаб олади. Кўпгина бошқа асарларида бўлгани каби умрининг сўнгги йилларида ёзилган бу шеърда Ғарибийни адиб сифатида қийнаган ижтимоий.тазйиқларнинг акс-садоси сезилади. Унинг Чархийга мурожаатан иккинчи шахсда «замонанг офати» дейишида ҳам ўзини шу замонадан ажратишга уринишини англаш мумкин. Зеро, шоир дунёқарашининг ахлоқий-маънавий тамойиллари мавжуд муҳитникидан айрича эди. Шу боис замона тақозоси билан шоир яратган асарларининг асосий қисмини эълон қилмай, хуснихат билан китобат қилиб, ўзида сақлайди. Шу тариқа шоир шеърларининг ўзи тузган дафтар-тўпламлари юзага келади ҳамда пароканда варақларга кўчирилган шеърлар йиғилиб боради. Бу пайтларда ёзилган қатор асарларида Ғарибий шўролар давридаги ижодини кўпчиликка маълум қилмаганлик сабабларини изоҳлайди:

Бир нима, аҳбоблар, сизларга савғо қилмадим,  
Беркитиб ағёрдин, сирримни ифшо қилмадим.  
Жамъиятдан жо олиб, хомушлиқ айлаб ихтиёр,  
Раддига бир сўз учун нутқимни гўё қилмадим.  
Мурдадиллар бор эди мажлисда таҳқири назар,  
Нутқи шўрангиз ила қалбини ихё қилмадим.  
Дард аҳли кам кўринди, аксари бегоналар,  
Алғараз дам урмадим, шўришни барпо қилмадим.  
Шўразора дона сочмоқ айни нодонлик билиб,  
Ҳайф, деб дур сочмадим, бир дона бежо қилмадим<sup>3</sup>.

Юқорида келтирилган ғазалда шоир қалбининг ижтимоий норозилик оҳанглари теран ифодаланган. Бу Ғарибийнинг асарларини ошкора эълон қилишига монёъ бўлган сабаблар маълум қилинган шеърларидан биридир. Унда «шўразор» дейилганда маънавий сарчашмаларидан маҳрумлик турли иллатларни илдиз оттирган жамият назарда тутилганини тушуниш қийин эмас. Худди шунингдек, Ғарибий «мурдадиллар» деб ана шу жамиятдаги қалби ўлик кимсаларни кўзда тутадик, бу дилларни қайта тирилтиришга, шоир сўзи билан айтганда «ихё» қилишга ҳаракат бефойда эди. Унинг эътирофича, бу бебаҳралик муҳитидагиларнинг аксарияти у учун бегона, “аҳли дард”лар кам эди. Айтиш мумкинки, Чархий Ғарибий учун ана шу оз сонли дард аҳлларидан бири, ижоди билан унга қалбан, руҳан яқин адабий сиймо бўлган. Сабаби, бу ҳар икки шоирнинг ижоди юксак инсоний фазилатларни шарафлашга қаратилгани билан, янги давр адабиётига мумтоз шеъриятнинг пок нафасини олиб кирганлиги билан муштарак эди. Ғарибий

---

<sup>2</sup> Ғарибий. Шеърий дафтар. Ғ. Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейи қўлёзмаси, сақл. р. 7127, 3<sup>а</sup>-в

<sup>3</sup> Ғарибий. Алоҳида варақдаги қўлёзма. Ғ. Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейи, сақл. р. 7128/60.

эскиришни билмайдиган тоза қадриятларини тараннум этган Чархий асарларини баҳолай олиш ўқувчидан маънавий тайёргарликни тақозо этишини таъкидлайди:

Эрур табъинг баланд, мавзун асарлар

Кишини айлағай ҳайрона, Чархий.

Шиносалар қошида шеъринг андоғ

Ки, ҳар ҳарфи дурур дурдона, Чархий.

Муҳаббат аҳли билгай шеър қадрин,

Қачон билгусидур бегона, Чархий?

Қадрдон дўстларнинг дийдорлашуви, одатда, адабий суҳбат ва мушоираларга уланиб кетган. Чархий билан ана шундай учрашувлардан бири Ғарибий архиви материаллари билан сақланаётган фотосуратда ҳам муҳр этилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Қўқон адабий муҳити вакилларида бўлган Ғарибийнинг ўз ахлоқий, фалсафий, эстетик тамойилларини шўролар даврида ҳам ўзгартирмай, уларга содиқ қолгани ва мафкуравий тазйиқларга қарамай буни бадий ижодида акс эттиришга журъат эта олгани 50-60-йиллар адабиётида кам учрайдиган нодир адабий ҳодиса эди. Мазкур истеъдодли шоир ўрнатган ижодий ва дўстона алоқалар орасида Ғарибий ва Чархий муносабатлари алоҳида саҳифани ташкил этади.

***Қўқон ДПИ Зоҳидова Д.***